# КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ШАХСЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИЛАДИ

***Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Жумладан, коррупциянинг бутун жамиятимиз учун улкан хавф-хатари таҳлил этилган ҳолдашахсан муҳтарам Президентимиз томонидан 2026 йил мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратиш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилди. Хусусан, коррупция мамлакатимиз тараққиёти йўлида ғов бўлган тўртта энг хатарли йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимиздаги бугунги коррупциявий вазият таҳлили, шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатларидан келиб чиқиб, 2025 йилниг 30 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-220-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг фаолияти коррупцияга қарши курашиш Агентлиги билан узвий ҳамкорликда ташкил этилади.

Шунингдек, фармонга асосан коррупциянинг олдини олиш кластери иштирокчилари ўртасида тезкор маълумот алмашиш, дастурий комплекснинг “Э-комплекс” модулини ишга тушириш орқали коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш имкониятларига эга. “Рақамли комплекс” ахборот дастурий комплекси 2026 йил 1 июндан синов режимида ишга туширилади.

Агентликка, давлат органлари ва ташкилотлари марказий аппаратининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларига тизим ташкилотларига қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликликлар ҳақида хабар берган шахсларни меҳнат фаолиятида таъқиб, тазйиқ ҳолатларидан ҳимоя қилиш мақсадида Агентлик томонидан ҳимоя ордерини тақдим этиш амалиёти жорий қилинади. Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган шахсларни рағбатлантириш мақсадида “Коррупцияга қарши курашишга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилади.

**Нодир МАМАДИЕВ,**
**Бойсун туман адлия бўлими бошлиғи.**

# УЙ ҲАЙВОНЛАРИ – ЗООНОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ МАНБАИ

***Хонадонларда ит ва мушук каби уй ҳайвонларини сақлаш бизнинг халқимиз учун ҳам қадимдан одатий тус саналади. Ҳатто қишлоқ жойлардаги аҳоли асосан чорвачилик билан машғул бўлгани боис аксарият хонадонларда икки ва ундан кўп итлар сақланиши ҳам мумкин.***

Хонадонларда ит ва мушук каби уй ҳайвонларини сақлаш, энг аввало, уларни уй шароитида парваришлашга тақиқ йўқлиги боис бўлса, иккинчи томондан, итлар хонадонларни қўриқлаш мақсадида, мушукларни эса турли хил кемирувчи заракунандаларга қарши курашиш учун сақланади. Қолаверса, улар барча ҳайвонлардан фарқли ўлароқ инсонларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш хусусиятига эга ва кези келганда ёлғизликни (айниқса, ёлғиз кексалар яшаб турган хонадонларда) камайтиради, болаларда табиатга, ҳайвонот оламига нисбатан меҳр-шафқат туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради.

Бироқ, шундай бўлсада хонадонларда уй ҳайвонлари, жумладан, ит ва мушуклар сақлашнинг ўз тартиби ва қоидалари ҳам мавжудки, уларга қатъий амал қилиш билан биз энг аввало уй ҳайвонлари туфайли хонадон эгалари, яқин қўни-қўшнилар учун хавфсиз муҳит яратган бўламиз. Бинобарин, айниқса, уй ҳайвонлари, кези келганда турли хил юқумли касалликлар ва жароҳатлар тарқатувчиси бўлиши ҳам мумкинлигини эътиборга олсак, бу талабга амал қилиш нақадар муҳим эканлигини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам уй ҳайвонларини сақлаш жараёнида уларни тўғри парваришлаш ва доимий профилактика қилиш тартибларига қатъий амал қилиш зарур бўлади.

Ит ва мушукларни сақловчи хонадон эгалари аввало улардан инсонларга юқадиган касалликлар ҳақида бирламчи маълумотга эга бўлишлари керак. Бундай касалликлар илмий тилда “Зооноз касалликлари” деб аталиб, улар ичида энг хавфли ва кенг тарқалгани қутуриш касаллигидир.

Қутуриш – нейратон вирус қўзғатадиган ўткир юқумли зооноз касаллиги бўлиб, асосан фалажлик, ҳиқилдоқ ва нафас мушакларининг спазми билан кечади. Ушбу касаллик қадимдан маълум бўлиб, уни сувдан чўчиш касаллиги деб ҳам аташган.

Касалликнинг яширин даври ҳайвонларда 14-15 кун давом этади. Шундан кейин безовталик, йиртқичлик, ҳатти-ҳаракатининг ўзгариши, кўп сўлак ажратиши каби ҳолатлар кузатилади. Касалланган ҳайвон ҳеч нарса истамайди, емай қўяди. Мазкур касаллик теккан уй ҳайвонлари инсонларни тишлаган вазиятда ёки сўлаги текканда, қутуриш вируси ҳайвондан инсонга ўтади. Одатда одамда қутуриш кассалигининг яширин даври 15 кундан бир неча ойгача (ўртача 20-30 кун) давом этади. Қутурган ит бўйин, юзни тишлаганда бу давр қисқароқ, оёқни тишлаганда узоқроқ давом этади.





Уй ҳайвонларидан инсонга ўтадиган яна бир хавфли касаллик Гелминтлар (ичак қуртлари) ҳисобланиб, бу мушук ва ит нажаси орқали юқади. У инсон организмида яшайдиган қуртлар – турли хилдаги гижжалар келтириб чиқарадиган касаллик бўлиб, айниқса, болалар аъзоларини кўпроқ зарарлайди. Натижада болаларда камқонлик, ич кетиш ва аллергия каби хавфли ҳолатлар пайдо бўлади. Гижжа касалликлари узоқ вақт давом этганда (кўпроқ болаларда) анемия, марказий нерв системаси, меъда-ичак, жигар, қон томирларида хавфли ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин.

Ит ва мушуклардан инсонга юқадиган қутуриш, токсоплазмоз, гельминтозлар ва тери инфекциялари жамоат саломатлиги учун жиддий хавф туғдирувчи касалликлар ҳисобланади. Айниқса, болалар, ҳомиладор аёллар ва иммунитети паст инсонлар ушбу хавфларга нисбатан сезгир ҳисобланишади. Шунинг учун ҳам хонаки ит ва мушукларни (шу жумладан, бошқа уй ҳайвонлари) парваришлашда болалар, аёллар улар билан контактда имкон қадар эҳтиёт бўлишлари, тийилишлари, ёки улар билан контактдан (парвариш, овқатлантириш, сайр қилдиришдан) сўнг юз-қўлларини яхшилаб совун билан ювишлари мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар ва кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, зооноз касалликларининг асосий сабаблари эмланмаган ҳайвонлар, санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик ҳамда кўча ҳайвонлари (қаровсиз ҳайвонлар) устидан етарли назоратнинг йўқлигидир. Шу боис уйда уй ҳайвонларини сақловчи фуқаролар уларни мунтазам ветаринария кўригидан ўтказиш, қутуриш ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмлаш, паразитларга қарши даволаш, уй ҳайвонлари сақланадиган жойларни тез-тез дезинфекция қилиш ҳамда аҳолининг хабардорлигини ошириш муҳим профилактик чора ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда туманимизда юқорида тилга олинган зооноз касалликларига чалинишнинг олдини олиш мақсадида қаровсиз ит ва мушукларни тутиш борасида профилактик чоралар кўрилмоқда. Бу борада жараённи самарали ташкил этиш учун туман ҳокимлиги, Ободонлаштириш бошқармаси ҳамкорлигида барча шарт-шароитлар яратилган. Бироқ ушбу ишлар юқори самара бериши учун фуқаролар ҳам ўз хонадонларида ит ва мушукларни сақлаш жараёнида белгиланган талабларга қатъий амал қилишлари лозим бўлади. Унутмаслик лозимки, бу борада тўғри ташкил этилган профилактик тизим зооноз касалликларининг олдини олишда энг ишончли воситадир.

**Ҳусниддин ТУРДИЕВ,**
**Бойсун туман Ободонлаштириш бошқармаси қаровсиз ҳайвонлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.**

# АРЧА УНСИМОН ҚУРТИ

**Арчани унсимон қуртлар зарарлаши натижасида ажрлган ширада тез-тез замбуруғлар жойлашиб, баъзан барг сатҳини бутунлай ўрайди. Игна баргли дарахтларда шу даврда фотосинтез жараёни етарлича бўлмайди. Ўсимликнинг биохимик балансига унсимон қурт чиқарган ширалар кучли зарар келтиради.**

Жуда кўп ҳолда жойларда йиғилган унсимон қуртлар ўсимликнинг жиддий зарарланишига сабаб бўлади.

Ҳашаротларнинг оммавий ривожланиш даврида игна барглар қўнғир тусга кириб тўкила бошлайди, уларга микроорганизмлар ўрнашиб олиб қорайди, дарахтлар манзаралилик хусусиятини йўқотади. Ёзнинг ўрталарида катта ёшдагилари пайдо бўлади. Урғочилари уруғлангандан кейин қалин шохларга ўтиб, тухум қобиғларини ташкил қилиб ёзнинг охиригача тухум қўяди. Улар ўртача 90-220 та тухум қўяди. Кузда улардан қуртлар чиқиб, маълум вақт ривожланади ва қишловга тайёргарлик кўради. Ўзбекистон шароитида, йилнинг келишига қараб, 4-5 та авлод бериб кўпаяди. Манзарали дарахтларни унсимон қуртлар ва бошқа ҳар хил кокцид турлари ҳам зарарлайди.



Баҳорда май ойининг охиригача ва кузда зарарланган, қуриган новдаларни қирқиш, йўқотиш, тўкилган баргларни териб, кўмиб ташлаш, дарахтлар тагини ағдариб туриш ҳамда эрта баҳорда дарахтларнинг санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида ўз вақтида суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, тагини юмшатиш ҳамда дарахтларнинг ўсув даврида қўшимча NPK ва микроэлементлар билан озиқлантириш тавсия этилади. Дарахт атрофларини 3 метр радиусда 20-30 см чуқурликда юмшатиш, зараркунандаларнинг қишлаш манбаи бўлган ўсимлик қолдиқларини 1,5-2 метр чуқурликда кўмиб йўқотиш ёки ёқиб юбориш зарур. Март ойи давомида игна баргли дарахтларда энтомологик ва фитопатологик мониторинг кузатувлар олиб бориш ҳамда арча унсимон қурти аниқланган ҳудудларда уйғунлашган кураш чора-тадбирларини олиб бориш талаб этилади. Арча унсимон қуртининг қишки тиним даври (диапауза)да, уларга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**Абдуғани КЕНЖАЕВ,**
**Рахим БОЛТАЕВ,**
**туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекторлари.**

## ҚАЙДҲО ЁДДОШТҲО ВА РОҲИ ҲАЛЛИ МУАММОҲО

# АРЧАЗОРОН САРШОРИ ОБИ РАВОНАНД

## (Ё ХУД, ЧӢ СОН НОҲИЯРО БА “МИНТАҚАИ САРСАБЗ” ТАБДИЛ ДИҲЕМ)

***Бисёр мехостам дар ин бора андешаҳои худро иброз дошта онро ба хонандагони ҳамагон ҳавола кунам. Ва кунун мавридаш даррасид, ҳоло баҳри он мекӯшам, ки ин андешаҳоро рӯи қоғаз орам.***

Мавсими ниҳолшинонӣ дар рустоҳо пеш аз фасли зимистон оғоз меёбад. Ва ин усули кори дар ин айём барои кишоварз хоҳу нохоҳ барор орад. Чанд сол боз дар пайи дастгирии қарори раиси ҷумҳури давлат дар бобати бунёди “Минтақаи сарсабз” қадамҳои нахустин гузошта, дар ин самт як қатор корҳои хайр ба анҷом расонида шуд. Вале сад афсӯс, ки то ҳануз аксарияти роҳбарон ба моҳияти қарори мазкурро дуруст сарфам нарафтаанд. Агар моҳияти қарори мазкурро мефаҳмиданд, аз паси панҷа ин корро наменигаристанд. Ва ниҳоят, вазифаи бардӯшашон бударо ҳапал-тапал анҷом дода, ба идораҳои боло маълумоти бардурӯғро фиристода, ҳам худашону дигаронро фиреб намедоданд. Биандешед, чӣ ба кор аст, ки корҳои нокардаро кардем гӯён лофу газоф мезананд? Оё ин худфиребӣ нест? Шояд онҳо аз ёд бурдаанд, ки мардуми мо ҳазорсолҳо қабл аз ин гуфта: “аз некон боғ монад – аз бадон доғ”.

Боре бо тақозои вазифа маро лозим омад, ки бо шодравон Тӯрақул Ҳамроев ҳамсӯҳбат шуда, дар бораи ин марди шариф навиштаеро ба чоп омада кунам. Ба ин хотир, ба ҷои кори ӯ мавзеи Дутутӣ танҳо омадам.

Фаҳмида будам, ки Тӯрақул Ҳамроев баъди маъзули кору вазифа аз ҳама мансабҳо ба роҳбарон ҷавоби рад дода, дар мавзеи Дутутӣ танҳо аз ҳисоби сӣ гектар замини лалмӣ хоҷагии фермерӣ ташкил карда буд. Ӯро дар сари кор пайдо кардам. Тӯрақулака маро дидан баробар оғӯшкунон салом ба ҷо оварда гуфт:

-Ҳа, тинҷист, шуморо кадом шамолҳо ба ин манзили мо овард. Банда низ даъфатан посух додам:

Дило, назди касе биншин, ки ӯ аз дил хабар дорад,

Ба зери он дарахте рав, ки ӯ гулҳои тар дорад.

Дар ин бозори атторон, марав ҳарсӯ чу бекорон,

Ба дӯкони касе биншин, ки дар дӯкон шакар дорад.

-Мегӯянд, ки боғи шаҳду шакардоре бунёд кардед, шаҳди онро баҳри чашидан омадем.

-Раҳмат, бародар! Шумо моро ёд карда, пайи пиёда ба ин манзили мо омадед, сипос гузорем.

-Мондаҳои кор, илоҳо ба корҳои деҳқониатон файзу баракат ато кунад, Худои яккаву ягона. - Мо ҳарду даст ба рӯ кашидем.

-Ташаккур, ба шумо низ омадҳои кор орзумандам.

Мо ҳарду каме хомӯш нишаста пасон барои сӯҳбатро идома бахшидан афзудам.

-Тӯрақулака, дар сари роҳ як радда ниҳоли арча шинондед.

Ӯ даъфатан посух дод:

-Медонед ку банда дарахти арчаро дӯст медорад, - бо табассуми малеҳ изҳор намуд ӯ. Шояд пас аз ин суоли ман қиссаи дар ду ҷодаи роҳи ноҳия шинондани арчазоронро ба ёд оварда, он рӯзҳои пурмоҷароро, ки он солҳо ба сараш афтода буд, ба ёд овард.

Он солҳо чун имрӯза ҳазору як супоришҳо ба дӯши ҳокимҳо бор мешуд. Ноилоҷ, якеро ба сомон нарасонида, боз супориши дигаре пайдо мешуд. Фармон аз боло меомад, ки онро бечунучаро иҷро кунанд. Ба ҳамин қабил фармоишҳо аз боло амр шуд, ки дар гирду атрофи ҷодаҳо арча шинонанд. Ниҳолҳоро аз вилояти Тошкент бояд меоварданд. Барои хариди он маблағ зарур буд. Дар буҷаи ноҳия ба ҷуз суратҳисоби шӯъбаи молия пули пучаке дарёфт кардан имконпазир буд. Ӯ мудири молия раҳматӣ – Муҳаммадӣ Дӯковро ба утоқи кориаш даъват кард.

Ӯ медонист, ки Муҳаммадӣ Дӯков марди покизахӯю, ҳалолкор, аз буҷаи давлат як сӯмро беройгон хароҷот намекунад. Тӯрақулака буду шуди гапро ба Муҳаммадӣ гуфт. Ӯ баробари шунидани ин гап ибероз кард, ки ӯ ин корро ҳеҷ гоҳ накарда ва нахоҳад кард.



Тӯрақулака ба ӯ фаҳмонд, ки баъди ду ҳафта ин маблағро ба ҳисобсурати шӯъбаи молия ирсол хоҳад кард. Вале аз ҷониби Муҳаммадӣ Дӯков ҷавобе рад шунид. Тӯрақулака худаш медонист, ки воқеан Дӯков дар ин кор ҳақ аст, вале чӣ хеле мегӯянд: “дар ҳар кор, бояд чора ҷуст”. Ҳоким бо розигии раёсати молияи вилоят ин пулро барои хариди ниҳолҳои арча, ба суратҳисоби хоҷагии ҷангали вилояти Тошкент пардохт намуд. Ҳамин тариқ, ниҳолҳоро оварданд, дар ду ҷодаи роҳ шинонданд. Хушбахтона, арчаҳои овардашуда ба арчаҳои кӯҳии худамон монанд буд. Кунун моҷарои дуздодуздии арчаҳои шинондашуда, ба миён омад. Тӯрақулака ҳама роҳбарони муассисаҳо, кормандони шӯъбаи корҳои дохилиро ба по хезонид. Худаш ҳар пагоҳӣ ва бегоҳӣ ниҳолҳои арчаро як-як хабар мегирифт. Кор ба ҷое расид, ки на роҳбарон оромӣ доштанду на худи Тӯрақулака. Дар шафати идораи сохтмонӣ ба мӯйсафеде муҳофизи чор беҳ ниҳоли арчаро ба зиммаш супориданд. Боре ҳоким ба ин ҷо омада ниҳолҳои арчаро намебинад. Ба суроғи мӯйсафед ронандааш Муслимро мефиристад. Мӯйсафед ниҳолҳоро пуштора карда ба назди ҳоким меояд. Ҳоким ин ҳолу корро дида ҳайратангез ба сӯи мӯйсафед нигоҳ мекунад. Ин дам худи мӯйсафед ба забони ҳол меояд:

-Тӯрақулҷон, аз дасти ин дуздбачаҳо чӣ кор кунам, ноилоҷ ниҳолҳоро канда ба хона бурда, пасон пагоҳӣ онро дар ҷояш мешинонам.

Ҳоким ин гапро шунида хандакунон мегӯяд:

-Агар шумо ба ин тартиб ниҳолҳоро канда ба хона баред, он хоҳу нохоҳ хушк мешавад.

-Чӣ кунам, дигар илоҷе надорам.

-Ба милиция хабар накардед?

-Гуфтам, ҳа мегӯянду бедарак мешаванд.

Ҳар гоҳ кас дар ин ҷодаҳо хоҳ саворaву хоҳ пиёда гузар мекунад, арчаҳои азимро дида ба дилаш як фараҳу шодӣ рӯ мезанад. Ва ба бунёдгарони ин сарсабзиҳои дилфиреб дуои хайре мекунад.

Воқеан Тӯрақул Ҳамроев марди заҳматкаш ва фидоие буд. Он замонҳо рақибонаш аз таги нохун чирк ҷуста мегуфтанд: -Хайр ҳеҷ гап нест, ӯ ҳоким аст, амр мекунад, одамон онро бечунучаро ба сомон мерасонанд. Пас аз нақли ин ҳодиса ба Тӯрақулака суол додам, ки синатон кайҳо ба нафақа расидааст. Айёми фароғату истироҳат карданатон фаро расидааст. Ӯ ба посухи ин суоли ман сар бар тафаккури хаёл монда ба сӯи ман нигоҳи карда дар охир лаб ба сухан боз кард.

-Дуруст мегӯед, айёми истироҳату фароғат расидааст, вале Худо маро чунин офарида бошад, чӣ бояд кард? – Як оҳи чуқур аз дил берун карду суханашро идома бахшид. – Ман тамоми умр бо азобу ранҷҳо зиндагӣ кардам. Заҳматкашидан пешаи ман аст. Дар куҷое кор накардам, кори ба дӯшам бударо бо заҳмат бошад ҳам, бе каму кост ба сомон расонидам. Баъзеҳо гумон мекунанд, ки ҳокими кор саҳл аст. На, онҳо хато мекунанд. Худатон огаҳ ҳастед, нотавонбинҳо дар ҳаққи ман чӣ бӯҳтонҳое накарданд. Ҳасудон гурӯҳ-гурӯҳ шуда, дар бораи ман аз боло то поён менавиштанд. Ҳеҷ далелҳояшон тасдиқи худро намеёфт. Ноилоҷ, гӯё дар роли синамое мебозида бошанд, тамалуққорона пеши ман омада зориву тавалло мекарданд, ки “маро фалонӣ аз роҳ зад”. Пасон узр ҳам мепурсиданд.

-Пас аз сабукдуш шуданам аз вазифаи ҳокимӣ, роҳбарони вилоят чандин корҳоро ба ман пешниҳод карданд, вале ман ба ин розӣ нашудам. Ба худ мегуфтам, зайли замон дигар шуд, кунун даври мо гузашт. Бигзор, ҷавонон сарикор оянд.

Як замоне бо як роҳбари хоҷагӣ фермерӣ гапамон гурехт. Ӯ дағдаға мекарду мегуфт: - Тӯрақулака боғдорӣ ин ҳокимӣ нест. Боғдорӣ сирру асрори зиёда дорад, заҳмати бегазандро мепарастад. Аз хотир на ҳама кас боғбон шуда метавонад, - гуфт он замон он кишоварз. Рости гап, пас аз ин кору ҳол он гапи роҳбари хоҷагии фермерӣ ба ёдам расид. Рӯзи дигар аз пайи кор шудам. Ҳамин тариқ сӣ гектар боғ бунёд кардаам, дар ин дашти ноoбод.

Боре он роҳбари хоҷагии фермерӣ ба ин манзил мо омада, бо кору бори банда ошно шуд. Вақти бозгашт ба ман гуфт:

– Тӯрақулака, маро бубахшед, он замон ман ба шумо носазо гуфтам, ман қоил! Аз дасти шумо ҳама кор меомадааст. Боғи шуморо дида баҳри дили кас кушода шуд.

Бемуболиға, Тӯрақул Ҳамроев марди кор буд. Як коре, ки оғоз мекард онро то ба охир босифат анҷом медод. Дар давраи роҳбари ин марди заҳматӣ садҳо гектар боғ бунёд карда шуд. Дар ҳамон давр дар хоҷагии ҷангал парвариши ниҳоли арчаи зарафшонро ба роҳ монданд. Ин корҳоро худи ҳоким Тӯрақул Ҳамроев таҳти назорати хеш гирифта буд. Дурбинӣ ва дидгоҳи дақиқкоронаи ӯро бинед, ки дар ҳамон замонҳо барои бунёди “Минтақаи сарсабз” гомҳои нек гузошта буд. Пас аз ӯ чандин ҳокимҳо ин вазифаро ба дӯш доштанд, вале сад афсӯс, ки онҳо ниҳолеро нашинонданду насабзонидан. Агар ниҳолеро месабзониданд, имрӯз он бор меоварду к-аз ақибашон дигарон мегуфтанд, ки ёдаш бахайр, ин дарахтро фалон ҳоким шинонду рафт, самараи онро мо мечашем. Сад дареғ, ин гуна амалҳои нек аз ҷониби онҳо ҷомаи амал напӯшид.

Ҳамагон шояд аз бобою қиблагоҳашон шунида бошанд, як замон минтақи кӯҳсори Бойсун пур аз арчазор будаст. Мо онро бо ду даст адаб нест кардем, сӯхтем. Кӯҳҳо чун бузҳои навтарошида лучак шуданд. Аҳолӣ сол ба сол зиёд гашт. Муаммои танқисии об дар ҷумҳурии мо ба дараҷаи аввал дакка зад. Дар фасли тобистон одамон барои як сатил об дармемонанд. Хушксолиҳои паёпай боиси нестшудани чашмаҳо мешаванд. Чуноне ки олимон исбот кардаанд (дар ин бора борҳо навиштаем. Н.Р) ки як арчаи кӯҳӣ дар атрофи худ то 2,5-3 тонна обро нигаҳ медорад. Замоне ки арчаро буридӣ решаи он хушк шуда, оби захирагашта бухор мегардад.

Давом дорад

**Нуралӣ РАҶАБ.**